

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАВАЗИ НАРГИЗ НУРАЛИЕВНА

**МУДДАТДАН ОЛДИНГИ ТУҒРУҚНИНГ КЛИНИК ВА
ПАТОГЕНЕТИК ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ, ДАВО ВА
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Шавази Наргиз Нуралиевна

Муддатдан олдинги туғруқнинг клиник ва патогенетик омилларини баҳолаш, даво ва профилактика чораларини оптималлаштириш..... 3

Шавази Наргиз Нуралиевна

Клинико-патогенетические предикторы преждевременных родов, оптимизация системы лечебных и профилактических мероприятий..... 42

Shavazi Nargiz Nuralievna

Clinical and pathogenetic predictors of preterm birth, optimization of the system of therapeutic and preventive measures..... 82

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 86

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАВАЗИ НАРГИЗ НУРАЛИЕВНА

**МУДДАТДАН ОЛДИНГИ ТУҒРУҚНИНГ КЛИНИК ВА
ПАТОГЕНЕТИК ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ, ДАВО ВА
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3. DSc /Tib732. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.sammu.uz ва «Зиёнет» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Султанов Саидазим Насирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кузьмин Владимир Николаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Пахомова Жанна Евгеньевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худоярова Дилдора Рахимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: (366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 223-30-34.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DCs) Автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда муддатдан олдинги туғрук (МОТ) нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Перинатал асоратларнинг ўлим даражасига кўшган катта ҳиссаси туфайли муддатдан олдинги туғилиш мавзусининг долзарблиги бутун дунё бўйлаб олимлар орасида ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари малумотларига кура “...дунёда муддатдан олдинги туғилиш частотаси 5% дан 18% гача бўлиб, сўнгги 20 йил ичида ушбу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилмаган... МОТ перинатал ўлимни 4 баробарга, янги туғилган чақалоқлар орасида касалланиш ҳолатларини 3 баробарга ошириши ҳамда 40-70% ҳолларда янги туғилган чақалоқларнинг ўлимига сабаб бўлиши аниқланмоқда...”¹. Шу сабабли, МОТ хавфи кузатилган аёлларни ўз вақтида эрта ташхислаш хусусиятларини ўрганиш, ушбу патологик ҳолат натижасида юзага келадиган асоратларни олдини олиш ва камайтириш учун тиббий ёрдамнинг турли босқичларида олиб бориш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, тиббиётда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар қаторига киради.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида ушбу муаммонинг турли жиҳатларини очиб беришга, айниқса, эрта туғилиш ривожланишининг янги патогенетик сабаблари ва кўшимча диагностика мезонларини аниқлашга қаратилган кўп марказли илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Олиб борилган кўпгина тадқиқотларга қарамай, муддатдан олдинги туғилишнинг ривожланиш механизми ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Шу билан бирга, муддатдан олдинги туғилиш патогенезини аниқлаш ижтимоий ва этик меъёрларни ҳисобга олган ҳолда самарали прогностик ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш, ушбу патологияни башорат қилиш ва эрта аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида соматик касалликларга эрта ташхис қўйиш ва олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуд бўлиб, улар орасида муддатдан олдинги туғилиш прогнози ва уни олдини олиш энг муҳим ҳисобланади. Бу борада «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш...» каби муҳим вазифалар белгиланган.² Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда ҳомиладор аёллар орасида МОТ сабабларини ўрганиш, эндоген интоксикация даражасини, липопероксидланиш жараёнини ва антиоксидант

¹ GBD 2019: Global burden of 369 diseases and injuries in 204 countries and territories, 1990–2019: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2019.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»

химоя тизимини боҳолаш, сийдик кислота микдорини аниқлаш ва уни МОТдаги ролини ўрганиш, анъанавий даволаш усулини оптималлаштириш орқали патологияни эрта прогноз қилиш ва олдини олиш тамойилларини ишлаб чиқиш натижасида МОТнинг асоратлари натижасидаги юзага келадиган болалар ногиронлигини ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019-йил 8-ноябрдаги «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кенгайтириш тўғрисида» ги ПҚ-4513-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Халқаро адабиётнинг хулосаси шуни кўрсатадики, МОТ учраши тахминан 7-11% ни ташкил этади: АҚШда 11%, Англияда 8%, Европада 5%, Францияда 7%, Германияда 9%, Венгрияда 10%, Норвегияда 7%, Россияда 4,3% ва Африкада 18% ташкил этади.

Муддатдан олдинги туғруқни патогенетик, иммунологик ва клиник хусусиятларини баҳолашга ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, University of Cincinnati Medical Center (АҚШ), Copenhagen Center for Arthritis Research, Charite University (Германия), University of Alberta (Канада), Cairo University (Миср), University of Oxford, University of Leeds (Буюк Британия), Queensland University of Technology (Австралия), University Medical Center, Université de Versailles (Франция), University of Padua, University of Modena & RE (Италия), La Paz University Hospital (Испания), Universidade Nova de Lisboa (Португалия), University Hospitals Leuven (Белгия), University of Amsterdam (Нидерландия), University of Thessaly (Греция), University Faculty of Medicine (Туркия), Anhui Medical

University (Хитой), Сеченев Университети (Россия), Самарканд давлат тиббиёт университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Муддатдан олдинги туғруқни эрта ташхислашда, патогенетик механизмларини аниқлаш ва даволаш тамойилларида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: МОТнинг муҳим кўрсаткичи бачадон тонусининг ошиши ва қориннинг пастки қисмида оғриқлардир. Бироқ, ушбу маълумотларга асосланиб, ҳомиладор аёлнинг терапевтик тактикасини баҳолаш қийин, чунки ҳар бир аёл индивидуал ва субективдир. Шунинг учун бачадон фаолиятини кузатиш (А.А. Попов ва Minnaard M.C., 2017) томонидан эрта ташхис қўйиш усулларида бири ҳисобланади. Элахе Амини ва Махди Шейх симптомсиз гиперурикемиянинг ҳомиладорлик ва ҳомилага таъсирини МОТга олиб келадиган омиллардан бири эканлигини ўрганишди. Гиперурикемия гломеруляр филтрация тезлигининг ошишига қарамай, ҳомиладорлик пайтида кенг тарқалган муаммо бўлиб қолмоқда. Плазмадаги сийдик кислотаси даражасининг ошиши ҳомиладорликнинг кўплаб салбий натижалари билан боғлиқ, чунки гиперурикемия МОТ учун мустақил хавф омилдир. С.V.Ananth ўтказган йирик когорт тадқиқотда (2016) иккинчи триместрда ҳомиладорлик йўқотилган булса, кейинги ҳомиладорликнинг МОТ хавфи 10 баробар ошишини аниқлади. Gilman-Sachs A, Dambaeva S, 2018 тадқиқотида МОТнинг келиб чиқиши цитокинлар билан боғлиқ эканлигини исботлашди. J.M. Fettweis тадқиқотида (2019) амниотик суяқликда ва бачадон бўйнида *IL-1β*, *IL-6*, *IL-8*, *TNF-α*, *IL-17A*, интерферон- γ -индуцировананган оксил -10 концентрациясининг сезиларли даражада ошиши аниқланди. Белоусова В. С. 2021 тадқиқотларида МОТ ривожланишида плацента апоптозининг роли исботланган.

Жаҳонда муддатдан олдинги туғруқни эрта ташхислаш, патогенетик ва иммуногенетик механизмларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: 2019 йилда ЮНИСЕФ томонидан "Омон қолинг ва ривожланинг: ҳар бир кичик ва касал янги туғилган чақалоққа ғамхўрликни ўзгартириш" (Survive and thrive: transforming care for every small and sick newborn). Ушбу ҳисоботда мамлакатларда МО туғилган чақалоқларни парваришини янада яхшилаш ҳақида баёнлар этилган. Халқаро гинекология ва акушерлик Федерацияси (ФИГО) кўп йиллар давомида МОТ муаммолари билан шуғулланадиган ишчи гуруҳга эга булиб улар МОТ хавф омилларини аниқлаб, диагностика ва профилактика мезонлари ишлаб чиққан (2019). Тиббиётнинг бирламчи бўғинида МОТ хавфи кузатилганда шифокорлар томонидан эрта ташхислашни ва профилактика чора-тадбирлари мажмуасини такомиллаштириш каби муаммолар шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар глобал миқёсда олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилсак, МОТ

акушерлик ва гинекологиядаги энг муҳим муаммо эканлигини кўриш мумкин. Олимлар эрта туғилишнинг ривожланиш патогенезини ўрганишга катта эътибор беришмоқда ва шу аснода ушбу касалликни профилактика чораларини янада самарали ва муваффақиятли амалга ошириш мумкин (Болотских В.М., 2019). Америка акушер ва гинекологлар жамияти (АГЖ, 2020) МОТ асоратига олиб келадиган куйидаги хавф омилларини таъкидлайди: анамнезида МОТ ва қоғоник суюқлигининг муддатидан олдин ёрилиши; онанинг жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликлари ва интра-амниотик инфекция; истмик-цервикал етишмовчилик; инструментал тиббий аралашув; онанинг ёмон одатлари ва касалликлари; бачадоннинг аномалиялари, кўп ҳомиладорлик ва жароҳатлар.

Туғилиш нуқсонлари ва уларнинг олдини олиш муаммосини ҳал қилишнинг муҳим жиҳати МОТга сабабчи бўладиган тананинг ўзига хос бўлмаган табиий реакцияларини аниқлаш ҳисобланади. Танадаги турли патологик жараёнларнинг етакчи патогенетик омил про- ва антиоксидант тизимларнинг номутаносиблиги ва оксидловчи стресснинг ривожланиши натижасида актив кислород турларининг (АКТ) кўпайиши ҳисобланади (Н.В. Батырева, С.С. ва бошқ., 2017 Ищенко Л.С. ва бошқ., 2023).

Эндоген интоксикация синдромининг информатив белгиларидан бири бу ўртача молекуляр оғирликдаги (ЎМО) моддаларнинг мавжудлиги бўлиб, улар орасида нуклеотидлар, оксиллар, глюкозон кислоталарнинг ҳосиллари ва олигопептидларнинг (ОП) катаболик маҳсулотлари киради. Бу моддаларнинг молекуляр оғирлиги 10 кДа дан ошмайди (Садыкова Г.К., Олина А.А. ва бошқ., 2022). ЎМО моддаларининг тўпланиши нафақат эндоген интоксикация белгиси ҳисобланади, балки келажакда улар юқори биологик фаоллиги туфайли патологик жараённинг кечишини оғирлаштириш хусусиятига ҳам эга. Айрим олимлар ўртача молекуляр оғирликдаги моддалар (ЎМО) ҳомилага тўғридан-тўғри токсик таъсир кўрсатади ва турли хил органларнинг кўплаб касалликларини келтириб чиқаради деган фикрда. Эндотоксикоз ривожланишининг муҳим патофизиологик механизми липид пероксидланиш жараёнларини фаоллаштириш ҳисобланади (Chen MJ, Kair LR. 2022). Адабиётларда ҳомиладорликни муддатдан олдин туғилиш билан тугаган аёлларнинг йўлдошида липид пероксидасияси жараёнлари ва унда эндоген интоксикация синдромининг шаклланиши ўртасидаги боғлиқлик ҳақида маълумот топа олмадик.

Келтирилган адабиётларга кўра, МОТ ҳолатларининг 40% га яқини юқумли омиллар туфайли юзага келади (Gomez-Lopez N., Galaz J., 2022.). Бундай ҳолларда етакчи патогенетик механизм организмнинг юқумли агентларга ўзига хос бўлмаган тизимли яллиғланиш реакциясини (ТЯР) ривожланишини ўз ичига олади. ТЯР синдромида патоген инокуляция соҳасидаги маҳаллий тўқималарнинг шикастланиши тизимли реакцияларнинг комбинациясини келтириб чиқаради. Бу жараён туғма ва ортирилган

иммунитетнинг дисфункцияси билан боғлиқ ва яллиғланишга қарши цитокинлар нисбатининг бузилиши билан намоён бўлади. Ҳозирги вақтда цитокинларнинг МОТ ривожланишидаги роли фаол ўрганилмоқда (Mojaheed B.S., Shahraki Z., 2022). Шундай қилиб, бачадон бўйни канали таркибидаги яллиғланишга қарши цитокинлар даражасининг ошиши МОТнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқлигини кўрсатадиган далиллар мавжуд (Walani SR., 2020). Маҳаллий иммунитет ҳолати тўғрисидаги маълумотлар МОТнинг турли хил вариантларини ривожланишининг молекуляр биологик жиҳатларини аниқлаштиришга имкон беради.

Ўзбекистонда МОТнинг асоратларини олдини олиш, эрта ташхислаш ва профилактика чораларини тадбиқ этиш муаммолорига бағишланган илмий-тадқиқотлар (Пахомова Ж.Е., 2022; Султанов С.Н., 2023; Рузиева Н.Х., 2023) муаллифлар томонидан амалга оширилган, лекин ҳозирги вақтга қадар МОТ хавфи булган хомиладор аёлларда эндоген интоксикация сабабли қон зардобидида сийдик кислотасининг ошиши ҳақида маълумотлар булмаганлиги сабабли, излаш учун тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, акушерлик амалиётда МОТ хавфи сабабини ташхислаш, профилактика ва даволаш тактикасини такомиллаштириш имконини беради, шу жумладан асоратларни олдини олиш учун муҳим ҳисобланади. Юқорида айтилганларга асосланиб, МОТни эрта ташхислаш, патогенетик, клиник, лаборатор ва иммунологик кўринишларининг хусусиятларини ўрганиш, даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш мумкин.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот режаси доирасида 01980006703-сонли “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2019-2021) илмий-тадқиқот ишларининг тематик режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади даволаш-профилактика чора тадбирларини оптималлаштириш ва башорат қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш орқали муддатдан олдинги туғилиш хавфини даво натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

даволаш ва профилактика чораларини оптималлаштириш зарурлигини асослаш учун патогенетик механизмларга қараб муддатдан олдинги туғилиш частотасининг учраши ва ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;

муддатдан олдинги туғилиш хавфи остида бўлган хомиладор аёлларда эндоген интоксикациянинг сабабларини ва антиоксидантлардан химояланиш ҳолатини ўрганиш;

муддатдан олдинги туғилиш хавф остида бўлган ҳомиладор аёлларнинг қонида яллиғланишга хос цитокинларнинг (IL-1, IL-2, IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, TNF- α) таркибини қиёсий баҳолашни ўтказиш;

ҳомила ичи гипоксияни аниқлаш учун эрта туғилиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларнинг қонида организмнинг реактив оксиллари (церулоплазмин ва S -100 оксили) ҳолатини баҳолаш;

муддатдан олдинги туғилиш хавфи остида бўлган ҳомиладор аёлларда эндотелиал дисфункция, пурин алмашинуви ва гемостаз кўрсаткичларини ўрганиш;

муддатдан олдинги туғилишнинг триггер механизми сифатида плацента апоптозининг патогенетик ва клиник аҳамиятини аниқлаш;

тадқиқот гуруҳларида муддатдан олдин туғилиш хавфи бўлган аёлларда комплекс терапия усулининг самарадорлигини асослаш;

метаболик касалликлар учун хавф омилларини ўрганиш асосида муддатдан олдин туғилиш эҳтимолини башорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини сифатида Самарқанд шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган она ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-амалий тиббиёт маркази филиалига МОТ хавфи билан мурожот қилган 352 нафар ҳомиладор аёллар олинган (бош шифокор – доцент Хамраева Л.К., Самарқанд ш.).

Тадқиқот предмети туғруқ тарихи, умумий клиник, лаборатор, биокимёвий, иммунологик тадқиқот усуллари учун муддатдан олдинги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларнинг веноз қони ва унинг зардобини си хамда ва ҳомила плацентаси ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, биокимёвий (эндоген интоксикация, антиоксидантларни химоя даражаси, реактив оксиллар (церулоплазмин, S-100 оксили), сийдик кислотаси), иммунологик (яллиғланишга қарши цитокинлар), гемостатик тизим параметрлари, азот оксид, функционал, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

муддатидан олдинги туғруқ хавфи сабабларини ўз вақтида аниқланмаслиги ва анъанавий терапия усуллари кўллаш натижасида назорат гуруҳидаги ҳомиладорларда асосий гуруҳга нисбаттан 11,9% ҳолларда купрок муддатидан олдинги туғруқ жараёни ривожланиши аниқланган;

муддатидан олдинги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда эндоген интоксикациянинг юқори даражаси липопероксидланиш жараёнларининг фаоллашишига, антиоксидант химоя тизимининг бузилишига ва ўз навбатида иммун тизими фаолиятининг номуносивлигига, реактив оксилларнинг шаклланишига, пурин асослари алмашинувининг ошишига олиб келиши исботланган;

илк бор она қонидаги сийдик кислота миқдори билан янги туғилган чақалоқнинг киндик қони зардоби ва амниотик суяқлигидаги миқдори орасида тўғри коррелатсион боғлиқлик аниқланган ва бу ҳолат чуқур эндотоксикоз ривожланишига ҳамда муддатидан олдинги туғруқ келиб чиқишига сабаб булиши патогенетик асосланган;

илк бор муддатдан олдинги туғруқ хафи булган аёллар плацентасида сийдик кислотанинг вазоконстриктор тасири доплерографик (плацентар перфузиянинг пасайиши) ва патоморфологик (хориоамнионит, децидуит, интервиллизит, виллузит, флебит, киндик артерити ва апопоз) тасдиқланган ва хомиладорлик жараёнини хавф остида колдириши, ҳамда муддатдан олдинги туғруқни чакириши асосланган;

илк бор комплекс даволаш усули анъанавий даволаш усулига антиоксидант таъсир кўрсатадиган, эндотелиал функцияни ва пурин алмашинувини тиклайдиган, она ва ҳомила учун туғилиш натижаларига фойдали таъсир кўрсатадиган (росмарин кислотасини ўз ичига олган препаратлар, Глюкуроно-2-амино-2-дезоксиглюкоглюкан сульфат, L-Аргинина L-Аспартат) дориларни қушимча қўллаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муддатдан олдинги туғруқни ривожланишининг патологик механизмлари аниқланган ва даволаш чора тадбирлари ишлаб чиқилган;

муддатдан олдин туғилишнинг ривожланишининг плацента ворсинкалари етилишининг бузилиши, ангиопатия, ишемия мавжудлиги, ворсинкалар оралиғидаги бўшлиқларнинг тромбози, интервиллезит, флебит ва артериит каби морфологик белгилари аниқланган ва эрта ташхислаш мезонлари сафатида белгиланган;

гомеостаз тизимининг УАК, АСК, РСА, ТИ, ДС, МДА, СОД, Кат, ИЛ, СД141 каби кўрсаткичлари муддатдан олдинги туғилишни прогноз қилишда қўлланилиши исботланган;

сийдик кислотаси муддатдан олдинги туғилишни патогенетик механизмнинг якуний метаболити бўлганлиги ва у муддатдан олдин туғруқ хавфи остида бўлган хомиладор аёлларни прогнозлаш ва даволаш учун энг муҳим предиктор эканлиги аниқланган ва амалиётга тадбиқ этилган;

илк бор МОТ ҳавфи булган аёлларда гиперурикемия аниқланганлигини инобатга олиб, хомиладорлик даврига қараб, хомиладорликни олиб бориш патогенетик, терапевтик, диагностик алгоритми тузилган ва амалиётга қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик ва статистик

тадқиқот усуллари асосида муддатдан олдинги туғилишни эрта ташхислаш ва прогнозлашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти МОТ ривожланишининг қўшимча патогенетик механизмларини тушунчасини кенгайтириш, МОТ хавфи булган аёлларни эрта ташхислаш учун эндоген интоксикация, антиоксидантларни химоя даражаси, реактив оксиллар (церулоплазмин, S-100 оксили), сийдик кислотаси, иммунологик (яллиғланишга қарши цитокинлар), гемостатик тизим параметрлари, азот оксид таҳлил қилиш орқали ўз вақтида аниқлаш ва келиб чиқиши мумкин булган асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МОТ ривожланишига ҳисса қўшадиган энг муҳим патогенетик омилларни баҳолаш ва тавсия этилган профилактика алгоритмини қўллаш, сийдик кислотаси муддатдан олдин туғруқ хавфи остида бўлган ҳомиладор аёлларни прогнозлаш ва даволаш предиктори эканлигини аниқлаш орқали ҳомиладорликни олиб боришнинг патогенетик, терапевтик, диагностик алгоритми ишлаб чиқилган, ҳамда амалиётга тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд шаҳри Республика ихтисослаштирилган она ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-амалий тиббиёт маркази филиали 23.09.2022 йилдаги 134/5-сонли буйруқ, Самарқанд шаҳар №1 сонли туғруқ комплекси ҳомиладорлар патология булими 26.11.2022 йилдаги 121/3-сонли буйруқ, Пайариқ перинатал маркази 03.06.2022 йилдаги 63/7-сонли буйруқ ҳамда Жиззах вилояти перинатал маркази 06.01.2023 йилдаги 89/9-сонли буйруқ, билан амалиётга жорий этилган.

Гиперурикемия сабабли муддатидан олдинги туғруқ хавфи булган ҳомиладор аёлларни прогнозини баҳолаш сийдик кислотасини микдорини урганиш кифоя эканлиги ҳисобланиб, ортиқча текширув усулларида фойдаланиш зарурати йўқлиги ҳисобига сарф харажатларни 25% камайтириш имконини берган.

МОТнинг ривожланишига олиб келадиган асосий омилларни аниқлаш, олдини олишни таъминлаш ва ҳомиладорликни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш мезонлари ишлаб чиқишга имкон берган.

Муассасаларда амалда тадбиқ этилган ишлар натижалари прогнозни яхшилашга имкон берган, шу билан МОТ ва перинатал йўқотишларни ривожланиш эҳтимолини, шошилиш ҳолатларда акушерлик бўлимига бўлган эҳтиёжни, она ва ҳомила асоратлари частотасини деярли 11,9%, шунингдек, самарали натижалар сонини 2 баробарга ошириш имконини берган.

1 кунлик анъанавий терапия миқдори 41000 минг сўмни ташкил этади, давомийлиги 7 ётоқ куни, яъни 287000 сўм, таклиф қилинган комплекс терапия миқдори бир кунда 53000 сўмни, яъни 371000 сўм. Гиперурикемия билан оғриган аёлларда комплекс терапиядан сўнг иқтисодий самарадорлик даволаш нархи ҳисодига 1 кунга 12.000 сўмни, 7 кун ҳисобига эса 84.000 ни туғруқ мажмуасига такрорий ётқизиш сони 2,5 баравар камайишини ҳисобга эса 210.000 сўмни ташкил қилади.

“Муддатдан олдинги туғруқнинг клиник ва патогенетик омилларини баҳолаш, даво ва профилактика чораларини оптималлаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 4 январдаги декабрдаги 5308-сонли хати юборилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги эксперт кенгаши 2023 йил 27 мартдаги 4-сон хулосаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий- амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 63 та илмий ишлар нашр этилган, шу жумладан 15 та мақола, улардан 12 та республика ва 3 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациннинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ақс этирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Аprobация натижалари, нашр қилинган ишлар сони ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муддатдан олдинги туғруқ этиопатогенезининг замонавий концепцияси, диагностика ва олиб бориш тактикаси”** деб номланган биринчи бобида ҳомиладор аёлларда муддатидан олдинги туғруқ хавфи муаммосининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумот берувчи 6 бўлимдан иборат адабиётлар шарҳи берилган. Қўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот усуллари”** номли иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқот МОТ хавфи аниқланган ҳомиладор аёлларнинг истиқболли қиёсий таҳлилини ўз ичига олди.

Проспектив тадқиқотда 352 нафар аёл иштирок этиб, 3 гуруҳга бўлинди. Биринчи асосий гуруҳ (I, n=155) – МОТ хавфи бўлган ҳомиладор аёллар. Иккинчи таққослаш гуруҳи (II, n=157) МОТ хавфи бўлган ҳомиладор аёллар. Учинчи назорат гуруҳи – (n=40) – ҳомиладорлик ва туғруғи физиологик кечган аёллар. Асосий 2 гуруҳда барча аёлларда гиперурикемия мавжуд эди.

Ҳомиладор аёлларни тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: табиий циклда содир бўлган ягона ҳомиладорлик; ҳомиладор аёлларнинг ёши 18 ёшдан 36 ёшгача бўлиши, ҳомиладорлик муддати 22 дан 34 ҳафтагача бўлган такрорий ҳомиладор аёллар, ҳомила тушиш хавфи булган аёллар, анамнезида вагинал муддатидан олдинги туғруқ булган аёллар, тадқиқотда иштирок этиш учун розилик хати, тиббий аборт (анамнезида 1 ёки ундан ортиқ абортлар).

Тадқиқотдан чеклаш мезонлари: бачадон чандиғи, оғир экстрагенитал патологияси бўлган ҳомиладор аёллар, оғир акушерлик патологияси, декомпенсацияланган плацента етишмовчилиги, ҳомиланинг туғма нуқсонлари, кўп ҳомиладорлик, сурункали ва ўткир буйрак касалликлари, ОИТС билан касалланган ҳомиладор аёллар.

Аёлларнинг ёши 19 ёшдан 38 ёшгача бўлиб ўртача 27 ёшни ташкил этди. Тадқиқотга киритилганларнинг барчаси учун соматик ва акушерлик-гинекологик тарих маълумотлари таҳлил қилинди. Анамнезда ривожланмаган ҳомиладорлик, абортлар, МОТ, олдинги ҳомиладорликнинг кечиши ва натижалари, шунингдек, юқумли ва яллиғланиш касалликлари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Лаборатория текшируви эндоген интоксикация, антиоксидантларни химоя даражаси, яллиғланишга қарши цитокинлар, реактив оксиллар, церулоплазмин, S-100 оксили, азот оксиди, эндотелиал дисфункция, сийдик кислотаси, йўлдошни морфологик ўрганиш ҳамда статистик таҳлилларни ўз ичига олган.

Барча тадқиқотлар Самарканд ш. РИОВБМКИАТМ филиалида, "МедСИ" ва «INNOVA EXPERT» хусусий тиббиёт марказлари лабораториясида ўтказилди.

Барча параметрларни ўрганиш учун қон тирсак венадан 3,8% натрий цитратини ўз ичига олган силикон найчага олинди ва 3000-4000 об/дақ (1200 г) да 15 дақиқа давомида центрифуга қилинди, натижада тромбоцитлар сони кам бўлган қон плазма бошқасига пробиркага ўтказилди. Музлатилган плазма намуналари -20 дан -16 ° С гача ҳароратда сақланди.

Эндоген интоксикация (гидрофобик захарли маҳсулотлар) махсус АКЛ-01 "Зонд" анализаторида люминесцент усули ёрдамида қон зардобиди аниқланди. Биз "Зонд-Албумин" (Москва) реактивлари тўпламидан фойдаландик.

Супероксиддисмутазанинг (СОД) фаоллиги биокимёвий усул билан "Супероксимутаза SD 126 "Randox Laboratories (Буюк Британия) сифатини назорат қилиш реактиви" реагентлари ёрдамида аниқланди.

Диен конюгатларини аниқлаш спектрофотометрик усул, малон диальдегид (МДА) тиобарбитурик кислота тести билан, фаол маҳсулотларнинг ТБК "ТБК АГАТ" Россия, Москва реагентлари тўплами билан аниқланди.

Каталазани миқдорий аниқлаш Cloud-Clone Corp компаниясининг " Кат. SEC418Hu" реагенти билан иммунофермент таҳлили ёрдамида аниқланди.

Қон зардобидидаги цитокинлар даражаси (интерлейкинлар 1, 2, 4, 6, 8, 10 ўсимта некрози омили) ишлаб чиқарувчининг протоколига мувофиқ, "Вектор-Бест ЗАО" нинг тегишли реагентларидан фойдаланган ҳолда иммунофермент усули билан аниқланди. С реактив оксил иммунотурбидиметрия усули билан аниқланди. Қон церулоплазминларини аниқлаш IMMAGE 800 анализаторида аниқлаш учун CER реагентларидан фойдаланган ҳолда биокимёвий усул билан амалга оширилди.

S-100 протеин таркибини аниқлаш CanAg (Швеция) реагентлари ёрдамида қаттиқ фазали иммуносорбент усули билан амалга оширилди.

Азот оксиди ишлаб чиқарилиши қон плазмасидаги барқарор метаболитларнинг (NOx) таркибига қараб баҳоланди, улар азот оксидининг якуний барқарор метаболитларини - "Азот оксиди (NO)" реагенти билан (кат. номер KGE001 Москва. Россия), 192 (детекция— 540нм) қайд этиш орқали аниқланди.

Д-димер Ренам (Россия) реагентлари ёрдамида латекс аглутинация иммунотаҳлил усули орқали аниқланди.

Фон Виллебранд фактори таҳлили ИФТ усулидан фойдаланган ҳолда TECNOZYМ ELISA («Technoclone») тест тизими ёрдамида амалга оширилди.

Тромбомодулин таҳлили “BCM-diagnostics” томонидан ишлаб чиқарилган реагентлар ёрдамида аниқланди.

Сийдик кислотаси онанинг ва янги туғилган чақалоқнинг қон зардобидаги уриказа орқали (HUMAN, Германия) ферментатив колориметрик тести ёрдамида аниқланди.

Амниотик суюқликдаги сийдик кислотасини ўрганиш «Hitachi-912» анализатори ёрдамида биокимёвий таҳлил ёрдамида амалга оширилди.

Туғруқдан кейин барча йулдошлар морфологик усул ёрдамида текширилди. Плацента тўқимаси RPMI-1640 муҳитида 0 дан +4 ° С гача бўлган ҳароратда 1 соат давомида 100 мкг/мл гентамицин қўшилган глутамин (ПанЭко) билан транспортировка қилинди.

Бўяш учун биз метилен кўк ×400, ×600, гематоксилин эозин ×10, ×100, ×200, ×400 эритмалари ишлатилди. Электрон микрофотография амалга оширилди (×4800, ×5600). Горяев камерасида айланма эндотелиал хужайралар аниқланди (ДЕК).

Материални статистик қайта ишлаш шахсий компьютерда амалга оширилди.

Қабул қилинган барча маълумотлар тартибга солинган, кодланган ҳолда жадвалларга киритилган. Ушбу маълумотлар УТТ, паритет, ёш, ҳомиладорлик даври, олдинги касалликлар ва натижалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш учун оригинал Statistica 12.0, IBM SPSS Statistics 28.0.1.0 ва Microsoft Excel 2013 дастурий пакетларидан фойдаланилган.

Материални математик қайта ишлаш математик статистиканинг параметрик бўлмаган усулларида асосланган ҳолда амалга оширилди.

Микдорий параметрларни (вариация сериясини) таҳлил қилишда маълумотлар параметрларининг медианалари (Me) ва тақсимотлар кватиллари кўринишида тақдим этилди: пастки - K1 ва юқори - K2, Медиана кўринишида (K1;K2), тарқалиш (минимал ва максимал) ҳам ишлатилган. Кузатув гуруҳларини бир-бири билан микдорий кўрсаткичлар билан солиштириш Манн-Уитни ва Смирнов мезонлари ёрдамида амалга оширилди.


Тарқатишлардаги фарқлар Р қийматлари кўринишида берилган; статистик таҳлил натижаларини шарҳлашда муҳимлик даражаси $p=0,05$ критик сифатида қабул қилинди; параметр қиймати $p<0,05$ бўлганда фарқлар статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланади; нолга яқин қийматлар учун $p<0,001$ кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Текширилаётган ҳомиладор аёлларнинг хусусиятлари (истикболли тадқиқот)”** МОТни патогенезидаги

ҳалқалардан бирини аниқлаш учун биз 22-34 ҳафта ҳомиладорлик даврида МОТ хавфи бўлган 352 ҳомиладор аёлни проспектив ўрганиб чиқдик.

Беморлар 2020-2023-йилларда Самарқанд шаҳридаги Республика ихтисослаштирилган она ва болалиқни муҳофаза қилиш илмий-амалий тиббиёт маркази филиалида ҳомиладор аёллар патологияси бўлимига ётқизилганлиги қаторида ушбу тадқиқотга жалб қилинди.

Дастлабки клиник тавсифлар, ҳомиладорлик жараёнининг хусусиятлари, клиник ва лаборатория кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Тадқиқотга киритиш учун ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ, барча ҳомиладор аёллар 3 гуруҳга бўлинди (1-расм).



Расм 1. Тадқиқот дизайни

Тадқиқотда ҳомиладор аёлларнинг ёши 19 ёшдан 38 ёшгача ўзгариб, барча гуруҳларда ўртача $27 \pm 2,9$ ёшни ташкил этди.

I гуруҳда аёлларнинг ўртача бўйи $164,5 \pm 6,8$ см, II гуруҳда $165,4 \pm 5,9$ см, назорат гуруҳида эса $167,2 \pm 7,6$ см ни ташкил этди. I гуруҳда тана вазни $71,2 \pm 11,5$ кг, II гуруҳда $68,8 \pm 10,2$ кг ва назорат гуруҳида $63,4 \pm 5,8$ кг га тенг эди. Тана масса индекси I гуруҳда $26,8 \pm 3,98$ кг/м², II гуруҳда $25,1 \pm 6,2$ кг/м², назорат гуруҳида эса $22,6 \pm 2,98$ кг/м² ни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

Яшаш жойини таҳлил қилишда шаҳар аҳолиси устунлик қилди. Сўровда қатнашганлар орасида ижтимоий ҳолати бўйича: талабалар 18,2%ни, ишлайдиганлар - 40,3%ни, уй бекалари - 41,5%ни ташкил этди.

Анамнез асосида хавф гуруҳини аниқлаш учун биз "Хавф омилларини аниқлаш учун прогностик матрицаси" дан фойдаландик. Прогностик матрица асосида ҳомиладор аёлларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин; 1-гуруҳ - МОТ ривожланишининг паст эҳтимоли (5 баллгача); 2-гуруҳ - МОТ ривожланишининг ўртача эҳтимоли (6 дан 20 баллгача); 3-гуруҳ - МОТ

ривожланишининг юқори эҳтимоли (20 баллдан ортиқ) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ДГУ 2022-сон 1122)) (2.расм)).


Ҳомиладор аёлларда қондаги сийдик кислотаси таркиби ўзгариши қуйидаги омиллар туфайли юзага келади: ҳомиладорлик юзага келганда химоя қилувчи антиоксидант механизми боис, плацента функциясининг фаоллашуви, метаболик касалликлар, буйракларда перфузия ва яллиғланиш жараёнлари, номаълум этиологияли гиперурикемиянинг асимптоматик шакли, туғма энзимопатиялар киради.



Расм 2. Хавф омилларини аниқлаш учун прогностик матрицаси (ЭХМ дастур гувоҳномаси)

Маълумки, аёлнинг репродуктив ва соматик саломатлиги ҳайз даврининг нормал ишлашига боғлиқ. Қиёсий таҳлилда менструал функциянинг шаклланиш даври ҳайз кўриш давомийлиги, шунингдек, ҳайз даврининг давомийлиги статистик жиҳатдан муҳим фарқлар кузатилмади.

Гинекологик анамнез хусусиятларини ўрганишда, барча нозологиялар учраш частотаси буйича тадқиқот гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади. Жумладан, салпингофорит биринчи ва иккинчи гуруҳда мос равишда 12,9% ва 28% ни атшиқил этган бўлса, эндометрит 25,8% ва 48,4% ни, бачадон бўйни эктопияси эса 9,7% ва 15,2% ни ташқил этган.



Расм 3. Ўрганилаётган гуруҳларда репродуктив анмнез таҳлили натижалари

Изоҳ: p_1 –1 ва 3 гуруҳлар, p_2 –2 ва 3 гуруҳлар. *- статистик сезиларли фарқ $p < 0,05$ *

Биринчи гуруҳда муддатидан олдин туғилишларнинг ўртача даражаси 25,9%, иккинчи гуруҳда эса 26,8% ни ташкил этди. Индукцияланган туғруқ частотаси биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳларда мос равишда 20%, 49% ва 12,5%ни, спонтан туғруқлар эса 70%, 51% ва 7,5% ни ташкил этди.

Биринчи гуруҳда, илк марта ҳомиладор бўлган аёллар 12,9%ни, қайта ҳомиладор бўлган аёллар эса 87%ни ташкил этди. Гуруҳларда мос равишда қайта туғган аёллар 88,3% ва 100% ни ташкил этди.

Гинекологик анамнез шуни кўрсатдики, ҳомилани кўтаролмаслик гуруҳларда мос равишда 21,9% ва 27,3% ни ташкил қилади. Биринчи гуруҳ аёлларнинг анамнезида муддатидан олдин туғруқлар 37,4% ва иккинчи гуруҳда 43,9% кузатилган. Биринчи гуруҳдаги абортлар сони 43,2% гача, иккинчи 50,4% ҳолларда кузатилган, улардан ривожланмаган ҳомиладорлик - 20,6% ва 41,2% ҳолатларда, уз-узидан ҳомила тушиши – 22,5% ва 58,7% ҳолларда кузатилган. Гипертензив касалликлар - 51 (32,9%) ва 69 (43,9%) ҳолатларда ва интраутерин манипуляция - мос равишда 10% ва 17,8% беморларда кузатилган (3 расм).

Шундай қилиб, биринчи ҳомиладорлик, биринчи туғруқ, анамнезида ҳомила тушиши, ҳомиладорликни тушиши ҳар хил турлари (спонтан, тиббий) ва яллиғланиш касалликлари ҳисобланади. Улар ҳомиладорлик жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Йўлдош касалликларни таҳлил қилганда, тадқиқот гуруҳлари аёлларида темир танқислиги анемияси (ТТА), миопия ва оёқлар варикоз томирлари сезиларли даражада кўпроқ учрагани кузатилди.

Муддатидан олдин туғруқ хавфи булган аёлларда амниотик суюқликнинг эрта ёрилиши кўринишидаги асорат борлигини ҳисобга олиб, биз сувсизлик интервалнинг давомийлигини аниқладик. 1 ва 2-гуруҳларда сувсизлик интервалми 17 соат 17 дақиқа ва 12 соат 27 минутни ташкил этди.

Ўртача сувсизлик даври 14 соат 43 ± 29 дақиқан ва 12 соат 33 ± 17 дақиқани ташкил этган.

Туғруқ ($n=352$) натижаларига кўра, МОТ иккинчи гуруҳда анъанавий даволанган аёлларда 33,1 % учраган. Барча ўрганилган гуруҳлар орасида туғилишлар кўпроқ табиий туғилиш йўли орқали амалга ошганлиги кузатилган.

Ултратовуш маълумотларидан абдоминал эхография қилинди. Бачадон тонуси, амниотик суюқлик миқдори, йўлдошнинг ҳолати, гемодинамикаси ва ҳомиланинг ҳолати каби параметрлар таҳлил қилинди.

Таҳлил қилиш учун 352 нафар ҳомиладор аёл 2 гуруҳга бўлинган. Биринчи асосий гуруҳга муддатдан олдин туғилиш хавфи бўлган 312 ҳомиладор аёллар ва иккинчи назорат гуруҳига ҳомиладорлиги физиологик кечаётган 40 нафар ҳомиладор аёллар киритилган.

Асосий гуруҳда бачадон тонуси 99%, ХРКС 27,8%, йўлдош қалинлигининг ошиши – 26,2%, ворсинкалараро бўшлиқнинг кенгайиши – 84,9% ва йўлдошнинг эрта етилиши - 58% да кузатилди. Ушбу маълумотлар диагностика, профилактика чоралари ва даволаш тактикаси учун муҳим ҳисобланади.

Гуруҳларда "она-плацента-ҳомила" тизимидаги қон айланишининг бузилиши юқори эди. Асосий гуруҳда IА даража- 23,3% ҳолларда, IБ даража- 42,9% ва II даража. – 18,5% ҳолларда кузатилган.

Диссертациянинг **“Муддатидан олдин туғилиш хавфи остида бўлган ҳомиладор аёлларда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларнинг аҳамиятини баҳолаш”** деб номланган туртинчи бобида эндотоксемия натижалари, гемостатик тизимдаги ўзгаришларнинг табиати кўрсатилган 6 та кичик боб мавжуд. Ушбу бобларда цитокин фаоллиги, МОТ ривожланиш хавфи остида бўлган ҳомиладор аёлларнинг қон плазмасидаги эндотелиал дисфункция ва пурин алмашинуви белгиларининг ўзгариши ҳақида маълумотлар келтирилган. Муддатидан олдин туғруқ эндоген омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасидир.

Албуминнинг самарали концентрацияси (АСК) эндоген интоксикациянинг кўрсаткичи бўлиб, у $18,1 \pm 0,9$ МЕ/мл ни ташкил этди, бу биринчи гуруҳда $\downarrow 1,5$ баравар кам ва иккинчи гуруҳда $22,4 \pm 1,02$ МЕ/мл, бу назорат гуруҳига нисбатан 1,2 марта кам эканлиги аниқланди.

Умумий албумин концентрацияси (УАК) биринчи гуруҳда 1,4 марта камайган ($27,2 \pm 1,2$ МЕ/мл), иккинчи гуруҳда эса 1,3 марта камайганлигини ($30,5 \pm 1,1$ МЕ/мл) кузатиш мумкин. Асосий гуруҳларнинг ҳомиладор аёллари орасида плазма токсиклиги индекси назорат гуруҳига қараганда 21,1% га ошганлиги кузатилди ($p < 0,05$).

Адабиётларга кўра, эндоген интоксикациянинг ривожланиши липид пероксидланиш жараёнларининг фаоллашиши билан бирга келади. Ушбу муаммони қисман ҳал қилиш учун ПОЛ жараёнлари ҳолати кўрсаткичларини киёсий баҳолаш ўтказилди.

Аниқланишича, муддатидан олдин туғилиш хавфи остида бўлган аёлларнинг қон плазмасидаги диен конюгатларининг (ДК) миқдори $31,2 \pm 1,7$ мкмол/л ни ташкил этган, бу назорат билан солиштирганда 1,5 бараварга ва 2 гуруҳда $33,1 \pm 1,6$ мкмол/л яъни 1,6 марта кўпдлиги аниқланди.

Муддатидан олдин туғилиш хавфи аниқланган беморларда қон плазмасидаги малондиалдегид (МДА) миқдори биринчи гуруҳда энг юқори $7,73 \pm 0,35$ мкмол/л ни ташкил этди ($\uparrow 1,5$ марта зиёд), иккинчи гуруҳда $7,59 \pm 0,28$ мкмол/л ($\uparrow 1,3$ марта зиёд) ва назорат гуруҳида эса - $5,8 \pm 2,1$ мкмол/л ни ташкил этди. ($p < 0,05$).

ТБК- биринчи гуруҳда $67,23 \pm 5,78$ мкмол/л, иккинчи гуруҳда $78,14 \pm 6,89$ мкмол/л ва назорат гуруҳида $41,54 \pm 3,67$ мкмол/л ($p < 0,05$) ташкил эди.


Оксидланиш жараёнларининг фаоллашиши билан бир қаторда каталазанинг фаолашиши кузатилди. I гуруҳда каталазанинг фаоллиги назорат гуруҳи билан солиштирганда $13,57 \pm 1,56$ кат/лгача ($\uparrow 1,7$ марта зиёд) ва II гуруҳда $11,32 \pm 1,27$ кат/л гача, яъни $\uparrow 1,4$ мартага ошагани кузатилди. Бу ўз навбатида, қоннинг антиоксидант фаоллиги ошганлигини кўрсатади.

Гуруҳларда қондаги каталаза фаоллигининг ошиши антиоксидант мудофаа тизимининг сусайишини кўрсатади. Бу соғлом ҳомиладор аёлларга нисбатан I гуруҳда СОДнинг 45% га, II гуруҳда 64% га камайиши билан тасдиқланади.

Шундай қилиб, муддатидан олдин туғилишнинг патогенетик омилларидан бири бу биологик мембраналарнинг эркин радикал дестабилизация жараёнларини фаоллаштиришдир.

Биобарин, антиоксидант фаоллиги бўлган ҳомиладор аёлларда яллиғланишга қарши цитокинлар тизимида ўзгаришлар рўй беради, бу бизнинг фикримизча, МОТга патогенетик таъсир кўрсатади

Натижалар шуни кўрсатдики, ҳомиладор аёлларда яллиғланишга қарши цитокинлар таркибида сезиларли ўзгаришлар I гуруҳда ИЛ-1 нинг 1,5 баравар, II гуруҳда 2 баравар кўпайиши аниқланди. ИЛ-2 I гуруҳда 0,8, II гуруҳда 0,6 марта, ИЛ-6 I гуруҳда 1,5, II гуруҳда 2 марта ўзгарганлигини, I гуруҳда ИЛ-8 1,5 мартага ҳамда II гуруҳда 2 марта кўпайганлигини кузатиш мумкин. ТНФ-альфа назорат гуруҳига нисбатан биринчи гуруҳда 1,5 мартага, иккинчи гуруҳда эса 1,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.



*- статистик сезиларли фарқ $p < 0,05$ *

Расм 4. Муддатидан олдин туғилиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда қондаги цитокинлар кўрсаткичлари

Бизнинг тадқиқотимизда ИЛ-4 ва ИЛ-10 яллиғланишга қарши цитокинларнинг даражаси назорат гуруҳида мос равишда 1,5 ва 2,4 марта, иккинчи гуруҳда эса 0,6 ва 3 баравар паст бўлганлигини кузатиш мумкин (4 расм).



Шундай қилиб, яллиғланишга қарши цитокинларнинг фаоллашуви кўринишидаги натижалар шуни кўрсатадики, цитокин балансини ўрганиш иммунитет реакциясининг йўналишини, ҳомиладорлик пайтида она ва ҳомила учун, ҳомиладорлик натижаларини ҳамда муддатидан олдин туғилиш хавфини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Муддатидан олдин туғилиш хавфини шаклланиши яллиғланишга қарши цитокинларнинг фаоллашуви билан бир каторда С-реактив оқсиллар (СРО) нинг кўпайиши кузатилди. Биринчи гуруҳда реактив оқсиллар (СРО) даражасининг $5,87 \pm 0,19$ мг/л га ($\uparrow 1,7$ марта зиёд), иккинчи гуруҳда $5,15 \pm 0,16$ мг/л ($\uparrow 1,5$ марта зиёд) гача назорат гуруҳига қараганда кўтарилиши кузатилди ($p < 0,05$).

Биринчи гуруҳдаги азот оксиди даражаси $86,1 \pm 3,4$ ppb.ни иккинчи гуруҳда эса $89,5 \pm 3,1$ ppb.ни ташкил этди ва бу назорат гуруҳига нисбатдан сезиларли даражада юқори эди ($p < 0,05$).

